MILLIY KITOB PALATASI

УШБУ СОҲДА:

2 КРЕДИТ МАШМАШАСИ

“ВОСИТАЧИЛИК ҲАЛОЛ БЎЛСА...”

3 ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

4 АЁЛНИНГ ЎРНИ ОИЛАДА!

MEZON:

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш ҳажмиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари банк муассасалари томонидан уларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этиладиган махсус кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланадилар.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, хомашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек, шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдириши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

“ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 27-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 11 (367) 2004 йил 23 март сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Istiqlol va imkoniyat

ЯНГИЛАНИШ ВА САХОВАТ ШУКУҲИ

у юртимизда ҳамиша боқийдир

Кун билан тун тенглашган паллада яшариш ва янгиланиш рамзи бўлган Наврўз айёми юртимизда азал-азалдан нишонланиб келинади. Зеро, Наврўз доимо инсонни бунёдкорликка ундаган, она табиат жозибасидан баҳраманд бўлиш, унга ўз тақдирини боғлашга даъват этган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Наврўз Шарқда милоддан аввал ҳам байрам сифатида нишонланган. Дастлаб бу айём табиатнинг уйғониши ва кўкламги деҳқончилик юмушлари бошланиши рамзини англатган. Кейинчалик эса шарқона гўзал урф-одатлар ва ажойиб маросимлар ҳисобига такомиллашган.

Шарқнинг улуғ шоирларидан бири Умар Хайём “Наврўзнома” асарида Наврўзни нишонлаш қуёшнинг йиллик ҳаракатига асосланганини қайд этган: ***“Наврўзда уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она ва бошқа яқин кишилар билан дийдорлашиш халқ орасида одат тусига кирган”,*** деган жумлалар Наврўзнинг қадим замонлардаёқ халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради.

Наврўз тун ва куннинг тенглашишига нисбат сифатида ҳам тилга олинади. Халқимизнинг буюк ҳам эзгу ниятлар, орзу-умидлар жўш уради. Кўтаринки кайфиятда байрам қувончини ёрдўстлар билан баҳам кўришга, беморлар, етим-есир, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам беришга интилади. Зеро, меҳр-мурувват, бағрикенглик, саховат каби эзгу ва олижаноб хислатлар халқимизга хос азалий фазилатлар ҳисобланади. Халқимиз мустақилликка эришгач, ушбу қадимий фазилат ва анъаналаримиз янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Буни ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ соҳасида рўй берган янгилик ва ўзгаришларни, айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бағрикенглик ва кечиримлиликнинг олий намунаси бўлган **“Амнистия тўғрисида”**ги Президент Фармонлари кўплаб йўлдан адашган юртдошларимизни янги ҳаётга қайтарди. Бундай эзгулик уларнинг қалбида яхшилик, меҳр-шафқат, олижаноблик каби юксак инсоний туйғуларни мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир иш ва ислоҳотлар замирида эзгулик ва олижаноблик мужассам эканини таъкидлаш лозим. Зеро, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликка кенг йўл бериш, камтаъминланган ва ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялаш шу каби эзгу мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Наврўз эса ана шу янгиланиш ва саховат шукуҳини уйғотадиган гўзал ва боқий байрамдир.

Мана шу гўзал, шукуҳли ва тароватли айёмда одамнинг юраги юмшаб, гина ва аразлар унутиладиган шу лаҳзаларда мен барча юртдошларимизга қарата даъват қилмоқчиман:

Азизларим, биродарларим, бу ғанимат дунёда бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшайлик.

Агарки менинг бу сўзларим барча юртдошларимизга етиб борса ва уларнинг қалбидан жой олса, ўзимни ғоят бахтиёр ҳис қилган бўлардим.

Ислом КАРИМОВ

Ajab savdolar

АУДИТОР ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙДИ...

Олмалиқ шаҳар прокуратураси катта терговчиси О.Абдуолимов 61/202-сонли жиноят иши юзасидан қўшимча далил ва маълумотларга эга бўлиш мақсадида 2003 йил 11 июн куни “Олмалиқтехгаз” идорасида ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Тафтиш ўтказиш “BARS AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори Қаршиқул Тошпўлатовга топширилди. Гарчи унга шаҳар прокуратураси томонидан ваколатдан четга чиқмаслик тўғрисида алоҳида тушунтириш берилган бўлса-да, тафтишчи биринчи куниданоқ ноқонуний ҳаракатга йўл қўйди.

Аудитор биринчи навбатда газ ҳисоблагичлар сақланадиган омборни муҳрлаб қўйди. Ваколатини важ қилиб, қарийб ўн кунгача турли баҳоналар билан омборни очмади. Бу орада аҳоли уйларига газ ҳисоблагичлар ўрнатиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўхтаб қолди. Кейин Олмалиқ шаҳар ҳокимиятининг аралашуви билангина Қ.Тошпўлатов 100 та газ ҳисоблагични омбордан олишга рухсат берди.

Аслида эса тушлик ва кечки овқат маҳали пайдо бўлиб қоладиган аудиторнинг ёрдамчилари бу ишларни бир зумда битириб қўйиши мумкин эди. Лекин тафтишнинг тез якунланиши Қ.Тошпўлатовнинг узоқни кўзлаб тузган “режа”сига сира тўғри келмасди. У қандай қилиб бўлмасин, молиявий жиҳатдан ночор аҳволдаги идорадан мўмай пул ундириш пайида эди.

Шундан кейин юз берган айрим воқеаларга аниқлик киритиш учун “Олмалиқтехгаз” бўлими бошлиғи Х.Собировнинг Адлия вазирлигига ёзган аризасини диқатингизга ҳавола этамиз:

“Олмалиқ шаҳар прокуратурасининг топшириғига мувофиқ “BARS AUDIT” аудиторлик фирмаси аудитори Қаршиқул Тошпўлатов томонидан 2003 йил 11 июндан 15 июлгача 61/202-сонли жиноий иш юзасидан идорамизда ҳужжатли тафтиш ўтказилган. 2003 йил 2 январидан 1 июнгача бўлган муддат тафтиш учун танлаб олинган бўлиб, бу тўғрида “Текширувларни рўйхатга олиш китоби”га аудитор томонидан қайд этилган.

Аудитор Қ.Тошпўлатов тафтиш давомида ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, корхонамизнинг ночор аҳволдалигини билан туриб, алдов йўли билан уч юз минг сўм пулни ўз ҳисоб рақамига кўчириб олган. Аслида текширув 34 кун давом этган бўлса-да, “Текширишларни рўйхатга олиш Китоби”да шу муддат 23 кун деб қайд этилган. Бундан ташқари, жиноий иш юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарорда номи кўрсатилмаган шахсларни Қ.Тошпўлатов “булар менинг ёрдамчиларим” деган баҳонада ҳар куни тушлик ва кечки овқатга таклиф этиб, икки юз етмиш саккиз минг тўрт юз сўм миқдорида нақд пул сарф эттирган. Ушбу харажат бугунги кунда шаҳар чойхоналари ҳисобида қарз бўлиб турибди.

“BARS AUDIT” МЧЖнинг аудитори Қ.Тошпўлатов томонидан ноқонуний йўл билан фирмага кўчирилган 300000 сўм маблағни корхонамизга қайтарилишига ёрдам беришингизни сўраймиз”.

(Давоми иккинчи бетда)

Menda taklif bor...

РЕНТА ВА ИЖАРА ТУШУНЧАСИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Маълумки, ижара муносабатларида мулкдор билан мулкдан фойдаланувчи субъектлар ўртасида доимий барқарор ҳуқуқий алоқалар мавжуд. Бундай алоқалар мазмуни ижарачи ва ижарага берувчининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқдир. Масалан, ижарага берувчи ижарага берилган мол-мулкдан қандай фойдаланаётганлиги устидан назоратни амалга оширади, мол-мулкни капитал таъминлайди. Ижарачи эса ижара ҳақини белгиланган муддатларда мунтазам равишда тўлаб боради. Ижарачи билан ижарага берувчи ўртасида бундай барқарор ҳуқуқий алоқалар тарафларнинг ўз ҳуқуқ мажбуриятларини амалга оширишнинг ўзига хос намоён бўлиш шакли ҳисобланади.

Агар бундай ҳуқуқий алоқалар узилса, у ҳолда шартномавий муносабатларда ҳам узилиш рўй беради. Бинобарин, бу меъёрдаги муносабатларнинг бузилиши сифатида қаралади. Масалан, ижарачи томонидан ижарани ҳақини тўламаслик, ижарага берувчи томонидан эса ижарага топширилган мол-мулкдан қандай фойдаланаётганини назорат қилмаслик ва ҳоказо.

Амалда эса мулкдор ва мулкдан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни амалга ошириш усуллари ва шакллари турлича тарзда намоён бўлади, шу боис тарафлар ўзлари учун мақбул бўлган шакл ва усулларни танлаб олиб, қўллаш имконига эга.

Бироқ агар тарафлардан бирортаси бу усул ва шаклларни ихтиёрий ,равишда амалга оширмаса, ҳуқуқий алоқаларнинг мажбурий шакллари қўлланилиши мумкин. Масалан, ижарачи томонидан ижара ҳақини тўлаш тартиби бузилса, у ҳолда ижарага берувчи ижара ҳақини мажбурий равишда ундириб олиш чораларини кўради. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мол-мулкни тасарруф қилиш бўйича айрим шартномаларда ҳам мулкдор билан мулкдан фойдаланувчилар ёки эски мулкдор билан янги мулкдор ўртасида узоқ муддатли ҳуқуқий алоқалар мавжуд бўлади. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасида (Фуқаролик кодекси 30-боб) асровчи шахс (уй-жойни янги мулкдори) билан асралувчи шахс (уй-жойни собиқ мулкдори) ўртасида то шартнома бекор бўлмагунча ёхуд асралувчи шахс вафот этмагунча шартномавий муносабатлар ўз кучини йўқотмайди. Шунингдек, рента шартномасида ҳам (ФК, 32-боб) рентага топширилган мол-мулкни собиқ мулкдори (рента олувчи) билан ушбу мол-мулкни янги мулкдори (рента тўловчи) ўртасида ҳам барқарор ҳуқуқий алоқалар сақланади.

Албатта, рентада ижарадан фарқли равишда рента олувчи рента тўловчига рента тўлаш шарти билан мулк қилиб топширилган мол-мулкдан қандай фойдаланаётгани устидан назорат қилиш ҳуқуқи бўлмайди. Балки рента тўловчи томонидан рента олувчига рента тўловларини тўлаш шаклида рўй беради. Бу ўринда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, Фуқаролик кодексининг 512-моддасида (ўзбекча матн) берилган ижара шартномаси тушунчаси билан русча матнда берилган рента шартномаси тушунчаси бир-бирига мутлоқо мос эмас.

Бошқача айтганда, Фуқаролик кодексининг 512-моддасининг русча матнида рента шартномаси бўйича бир тараф рента олувчи бошқа тараф рента тўловчига кўчар ёки кўчмас мулкни мулк қилиб (“всобственность”) ўтказади, деб қайд этилган. Ўзбекча матнда эса рента шартномасига қўйидагича таъриф берилган:

Рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулкни ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Кўриниб турибдики, ушбу тушунчада мулк қилиб ўтказиш тўғрисидаги асосий мазмун тушиб қолган. Бу эса рента шартномасини мазмун-моҳиятини бузиб талқин этишга олиб келади. Фуқаролик кодексининг 512-моддаси билан 535-моддасидаги мулк ижараси шартномаси тушунчаси қиёсий таҳлил этилса, улар ўртасида деярли жиддий фарқлар мавжуд эмаслиги (ижарага мол-мулкни вақтинча топширилишини ҳисобга олмаганда) маълум бўлади.

Қонунчилик талаби бўйича қонунларнинг турли тилларидаги матнлари бир-бирига айнан мос бўлиши лозим. Бироқ юқорида ушбу қоида бузилган. Маълумки, мамлакатимизда давлат тили ўзбек тили ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзбек тилидаги қонун матнлари бошқа тилдаги қонун матнларга нисбатан агар улар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, устивор юридик кучга эга. Бироқ афсуски, бу ўринда русча матн эмас, балки ўзбекча матн хато берилган. Шу сабабли ҳам Фуқаролик кодекси ўзбекча матнни 512-моддасига тузатиш киритиш зарур.

Сотволди БОБОҚУЛОВ,
юридик фанлари номзоди

Taassuf

ПУЧАККА ЧИҚҚАН ШАРТНОМА

ЁКИ ТАТИМАГАН ШИРИНЛИК

Харидоргир маҳсулотнинг савдоси ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Уни ишлаб чиқараётган тадбиркорлик субъектининг эса сармояси ортиб боради. Хусусий корхона тармоқлари кенгайишига, янги-янги иш ўринлари очишга имконият юзага келади.

Жиззах туманидаги “Ифтихор-МХ” хусусий кичик корхонаси раҳбари Мақсуд Қосимов харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олиб печенье маҳсулоти ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатишни ва бу турдаги қандолат маҳсулоти билан аҳоли дастурхонини сероб қилишни режалаштирганди. У шу мақсадда Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги “Руст-техно” шўъба фирмаси билан шартнома тузади. Шартномада шўъба фирмаси “Ифтихор-МХ” хусусий кичик корхонасига 15 миллион 509 минг 820 сўмга пенченье маҳсулоти ишлаб чиқариш технологиясини сотиш ҳамда ўрнатиб бериш мажбуриятини олади.

Тошкентлик ҳамкорлар печенье ишлаб чиқариш техника жиҳозлари ортилган автоулов билан Жиззах туманидаги “Ифтихор-МХ” хусусий кичик корхонасига келишади. Шартноманинг 1-сонли иловасида ушбу техник жиҳоз соатига 50 килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш, бўйи 20 метр, эни эса 1,20 метр бўлиб, 30 киловат қувват билан ишлаши кўрсатилган. Бироқ шўъба фирмаси ходимлари келтириб ўрнатган техник жиҳоз шартномада қайд этилганга тўғри келмайди. У бир соатда 25 килограмм печенье маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бўйи 5 метр, эни 1,20 метр, 25 киловат қувват билан ишлайди.

“Ифтихор-МХ” кичик корхонаси томонидан техника жиҳозлари шартнома шартларига ҳажм жиҳатидан умуман жавоб бермаслигига эътироз билдирилади. Шунда “Руст-техно” шўъба фирмаси раҳбари Мурод Каримов томонидан харидорга технология ҳажм жиҳатидан кичик бўлгани билан шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда, ҳатто ундан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга экани ҳақида маълумот берилади. Аммо кичик корхонадагилар уни ишлатиб кўрганда у техник паспортида қайд этилган миқдордан кам, шартномада келишилганидан эса икки баравар оз маҳсулот ишлаб чиқаяни 2003 йилнинг 30 июл куни кичик корхона томонидан шўъба фирмаси раҳбари М.Каримов номига билдириш хати ёзилади. Мазкур билдириш хатида технология шартномада кўрсатиб ўтилган талабларга умуман жавоб бермаслиги сабабли ўн кун муддат ичида пул маблағларини қайтариб бериш сўралганди. Шўъба фирмаси эса билдириш хатини эътиборсиз қолдиради.

Аслида “Ифтихор-МХ” хусусий кичик корхонаси ушбу техника жиҳозларини сотиб олиш учун ўтган йилнинг 13 январида “Ўзуйжойжамғармабанк”нинг Жиззах вилояти бўлими билан микрокредит олиш бўйича шартнома имзолаганди. Шунга асосан тадбиркор банкдан йилига 15 фоизлик тўлов шарти билан 9 миллион 400 минг сўм миқдорида кредит олган. Печенье маҳсулоти тайёрлаш ускунасини сотиб олиш ҳамда ўрнатиб бериш учун “Руст-техно” шўъба фирмасига жами 11 миллион 400 минг сўм пул кўчирганди.

Техник жиҳознинг ҳажм жиҳатидан кичиклиги, пишириш цехи қисқалиги сабабли маҳсулот сифатли чиқмайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида рақобат кучли. Кимнинг маҳсулоти сифатли бўлса, у бозорнинг тўридан жой олади. Жиззахлик тадбиркор бу маҳсулот билан харидорини тополмаслигига кўзи етади. Шунинг учун печенье маҳсулоти ишлаб чиқариш технологияси қабул қилиб олинганидан икки ой ўтгач,

(Давоми иккинчи бетда)

Ajab savdolar

АУДИТОР ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙДИ...

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мазкур ариза юзасидан суриштирув олиб борган Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари барча далилларни синчиклаб ўрганишди.

Маълум бўлишича, 2003 йил 25 июн куни аудитор Қ.Тошпўлатовнинг қистови билан 5-1-рақамли шартнома тузилиб, "Олмалиқтехгаз" корхонаси ҳисобидан "BARS AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотига уч юз минг сўм пул маблағи ўтказилган.

Адлия ходимлари томонидан олиб борилган текширишлар натижасида маълум бўлдики, "BARS AUDIT" аудиторлик фирмаси аудитори Қ.Тошпўлатов ўз хатти-ҳаракатлари билан **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"**ги Қонун талабларини қўпол равишда бузган. Чунки ушбу қонуннинг 15-моддасида аудиторлик текширув назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан улар ўртасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳақида тузилган шартномага асосан ўтказилиши ҳамда текширув ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини бевосита белгилаган идора ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилган бўлса-да, Қ.Тошпўлатов текшириш мўлжалланган корхонани хизмат учун ҳақ тўлашга мажбур қилган.

Шу боис Тошкент вилояти адлия бошқармаси "BARS AUDIT" аудиторлик фирмаси раҳбари Б.Птоков номига 2004 йил 26 январда "Олмалиқтехгаз" корхонасида тафтиш ўтказишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган 02-/ИН-0295-рақамли тақдимнома киритди. Шу йилнинг 5 феврал куни маъсулияти чекланган жамият шаклидаги "BARS AUDIT" аудиторлик ташкилоти директори Б.Птоковнинг имзоси билан тақдимномага қуйидаги мазмундаги жавоб хати олинди:

"Ташкилотимиз ҳисоб рақамига 2003 йил 1 июл куни 300000 сўм пул маблағи кўчирган "Олмалиқтехгаз" корхонасининг тугатилгани сабабли унинг тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланган "Олмалиқшаҳаргаз" ҳудудий газ таъминоти корхонасига 2004 йил 4 февралдаги 8-сонли тўлов топшириқномаси билан 300000 сўм пул маблағи ўтказиб берилди.

"BARS AUDIT" аудиторлик ташкилоти билан аудитор Қ.Тошпўлатов ўртасида тузилган 7/2-сонли меҳнат битими муддати тугагани муносабати билан шу йилнинг 5 январ куни 1-х-сонли буйруқ асосида Қ.Тошпўлатов ишдан бўшатилган. Шу сабабли ушбу ходимни тегишли тартибда жавобгарликка тортиш имконияти йўқ".

Кўриниб турганидек, жаноб Б.Птоковнинг силлиққина ёзилган жавоб хатида айтишга арзигулик бирор муаммо йўқдек кўринади.

Бироқ Б. Птоковнинг шахсан ўзи прокуратуранинг топшириғи билан тафтиш ўтказилаётганини била туриб, 300000 сўмлик шартномага имзо қўйиб, муҳр босган-ку? Нега у ўз қўл остида хизмат қиладиган ходимини ўз вақтида хато йўлдан қайтармаган? Қолаверса, аудитор Қ.Тошпўлатовнинг "Олмалиқтехгаз" корхонасида шунча машмаша билан ўтказган тафтиш натижаси сифатсизлиги учун прокурор томонидан бекор қилиниб, бошқа аудиторга қайта текширишга берилгани раҳбар сифатида Б.Птоковнинг ҳам хатоси эмасми?

Албатта, вилоят адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан ноқонуний олиб қўйилган пул маблағи эгасига қайтарилди. Бироқ бу масаланинг бир томони, холос. Лекин бундан қандай хулоса чиқарилди? Айнан мана шу масала жавоб хатида ўз аксини топмаганлиги кишини ўйлантирарди.

Бу масалани охиригача етказиш мақсадида Тошкент вилояти адлия бошқармаси "BARS AUDIT" аудиторлик фирмасининг лицензиясини бекор қилиш масаласини ҳал этиш юзасидан Молия вазирлигига шу йилнинг 10 феврал куни 02-1/0446 рақамли тақдимнома киритди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, назорат қилувчи идораларга берилган ваколат қонун доираси билан чегараланган. Ундан четга чиқишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл қўйилмайди ҳам. Қонунни менсимайдиган, уни оёқости қилмоқчи бўлганларга эса энг кескин чоралар кўрилиши шубҳасиз. Зеро, қонун ҳамма учун баробардир.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

ПУЧАККА ЧИҚҚАН ШАРТНОМА

ЁКИ ТАТИМАГАН ШИРИНЛИК



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳамкорлари "Ифтихор-МХ"нинг арз-додига қулоқ солмагач, кичик корхона раҳбари М.Қосимов Адлия вазирлигига ариза беради. Тадбиркорнинг шикоят аризасини атрофлича ўрганиб чиққан Жиззах вилояти адлия бошқармаси товар учун тўланган маблағни қайтариш ҳамда шартномани бекор қилиш ҳақида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза киритди.

Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Б.Бойматов раислигида ўтган очиқ суд мажлисида ушбу даъво кўриб чиқилди. Суд "Руст-техно" шўъба фирмасидан "Ифтихор-МХ" хусусий кичик корхонаси фойдасига 11 миллион 400 минг сўм асосий қарзни ундириш ҳамда тарафлар ўртасида тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Хўш, суд юқоридаги қарорни қабул қилишда нималарга асосланади?

Биринчидан, томонлар ўртасида Фуқаролик кодексининг 382-моддасида кўзда тутилган ҳолат юзага келган, яъни иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган. Бундай ҳолда тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Иккинчидан, ушбу кодекснинг 451-моддасига кўра, тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилганда сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига ушбу кодекснинг 434-моддаси 2-хат бошисида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли. Унда товар учун тўланган пул маблағини сотиб олувчига қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча маблағни ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Воқеалар ривожини кузатсангиз, дастлаб хушвақтлик билан ҳар икки томоннинг манфаатига мос тузилган шартнома кейинчалик бир томоннинг айби билан бузилганига гувоҳ бўласиз. Ҳамкорлик мақсадида шартнома имзоланиб, ҳуқуқий муносабатга киришилганидан бери орадан бир йил вақт ўтди. "Руст-техно" шўъба корхонаси шу вақт ичида ҳеч нарса йўқотмади. Ҳамма оғирлик "Ифтихор-МХ" хусусий кичик корхонасига тушди. У давлат стандартига жавоб беролмайдиган технологияни қабул қилиб олиб, бирор нарсага эришолмади. Бировнинг лафзсизлиги тадбиркорни ана шундай қийнаб қўйди. Бошқача айтганда, ширинлик уларга татимади.

Собиржон ЭРГАШЕВ,
ҳуқуқшунос
Ҳамид ЭГАМ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

АЙБДОРЛАР ТАНГ ҚОЛДИ

Яқинда Иштихон туманида Й.Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги иқтисодчилари ижарачиларнинг ижара пулларини хўжалик кассасига кирим қилмасдан талон-тарож қилиб юборибди, туман прокуратураси тафтиш ўтказаётган эмиш, деган гап тарқалди.

– Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди, ростдирки, гапиришади, – деди кимдир.

– Ҳаром луқмани ютган бўлса, қонун олдида жавоб беради-да, – деди яна биров.

Хуллас, бу «миш-миш» гапсўзларнинг остида сир кўп экан. Шу йил 26 январ куни жиноят ишлари бўйича Иштихон туман суди очиқ суд мажлисида ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Ҳусан Файзиев ва ёрдамчи иқтисодчи Миркомил Мингбоевларни айблаш бўйича ишни кўриб чиқди. Суд ҳар икки судланувчининг айбига яраша жазо тайинлаб, ҳукм ўқиди.

Жиноят каттами-кичикми, барибир, жиноят. Жиноят қилиндими, қилмишга яраша жазо тайин. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Ҳ.Файзиев ва М.Мингбоевнинг қилмиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки улар ҳеч нарсадан тап тортмай ширкат хўжалигининг қонуний ҳақи – ижара пулларини ўзлаштиришган.

Гап шундаки, ширкат хўжалиги мавжуд токзорларни шартнома асосида ижарачиларга берган. Шубҳасиз, ижара шартномаларида ижара ҳақини тўлаш вақти кўрсатилган. Ижарачи ўз хоҳиши билан белгиланган вақтда хўжалик идорасига бориб, кассага ижара ҳақини тўлаши ва тўланганлиги тўғрисидаги паттани олиши керак эди. Бу қонунан лозим иш.

Бироқ воқеа тафсилотлари шуни кўрсатадики, ширкат хўжалигида бундай қилинмаган. Хўжалик бош иқтисодчиси Ҳусан Файзиев ва ёрдамчи иқтисодчи Миркомил Мингбоевлар ижара ҳақини ҳовлима-ҳовли юриб йиғишган. Шундан сўнг пулни кўрган иқтисодчиларнинг нияти бузилган...

– Мен ширкат хўжалигининг 18-бригадасида 45 сотих токзорни ижарага олгандим, – дейди судда фуқаро Мурод Эшонқулов. – Ижара ҳақи учун 90 минг сўм тўлашим керак эди. Ҳусан Файзиев билан Миркомил Мингбоевлар келиб "50 минг сўм берсангиз, ижара пулидан қутуласиз" дейишди. Мен айтган пулни бериб юбордим. Кейин билсам, улар бу пулни хўжалик кассасига кирим қилишмаган экан.

Ижарачи Абдуҳошим Қувондиқовнинг судда кўрсатма беришича, ў бир гектар токзор учун Ҳ.Файзиевга 100 минг сўм ижара ҳақи тўлайди. Ҳ.Файзиев эса унга 200 минг сўмга тўлов паттаси ёзиб беради. Ижарачи хўжалик бош иқтисодчисининг бундай ҳотамтойлигидан ажабланмайди. Ижарачидан олинган пул хўжалик кассасига кирим қилинмайди.

Ҳ.Файзиев билан М.Мингбоевлар ижарачилар Қунсулув Анорбоеванинг 25 минг, Фозил Бобоевнинг 30 минг, Мухтор Солиев ва Ҳусниддин Холмаматовларнинг ҳар биридан 45 минг, Сулаймон Солиевнинг 60 минг, Абдуқодир Мингбоевнинг 80 минг, Тоир Эшқуватовнинг 93 минг 350 сўм пулларини шу тариқа олиб, кассага кирим қилмасдан ўз мақсадлари учун ишлатиб юборишади.

Ҳусан Файзиевнинг иштаҳаси карнай экан. У Райимберди Эшмаматовнинг 12 минг сўм пулини ўзлаштиргани етмагандек, 3 минг сўмга ҳисоблаб, иккита хўрозини ҳам олиб кетади. Хўрозни еб мазахўрак бўлган Ҳ.Файзиев ижарачи Ўташ Исоқовнинг хонадонига боради. Ўташ ижара ҳақини тўлашга пули йўқлигини айтиб, бир бош қорамолини 100 минг сўмга ҳисоблаб олиб кетишни сўрайди. Ҳ.Файзиев уникига фуқаро Абдураҳим Рўзиевнинг "Жигули"сида борганди. "Жигули" автоуловнинг орқа ўриндиғига ортилган қорамол аввал Ҳ.Файзиевнинг ҳовлисига келтирилади. Сўнгра бозорда сотиб юборилади. Молнинг пули Ў.Исоқовнинг ҳисобидан хўжалик кассасига кирим қилинмайди, балки Ҳ.Файзиевнинг жиғилдонидан ўтиб кетади.

Ижарачи Сайдираҳмон Ҳамроев 60 сотих токзорни ижарага олган. У 2002 йил учун ширкат хўжалигига 160 минг сўм ижара ҳақи тўлаши кераклигини биларди. Бироқ ширкат хўжалиги иқтисодчилари эшигидан кириб келганида нақд пули йўқ эди. Шу сабабли у ҳам битта қорамол беражагини билдиради. Ҳ.Файзиев билан М.Мингбоев қорамолни етаклаб кета туриб, унга ижара ҳақи тўлашдан қутулганлигини айтишади. Табиийки, С.Ҳамроев бундан қувонган бўлса керак. Иккй «шоввоз» эса қорамолни Митан молбозорига чиқариб, 80 минг сўмга пуллашади.

Фуқаро Носир Эшқуватовнинг ижара ҳақи бошқаларникидан салмоқли эди. У хўжаликка 240 минг сўм тўлаши керак эди. Боқувдаги қўчқорни 50 минг сўмга ҳисоблаб беради. Ҳусан билан Миркомил қўчқорни етаклаб чиқатуриб, Носирга тасалли беришади: ***"Ўйланиб ўтирма, 240 минг тўланди ҳисоб"...***

Нафси ҳакалак отган иқтисодчилар шу кўйда ижарачиларнинг жами бўлиб 728 минг 350 сўм пулларини ўзлаштириб юборишади...

Бундай хунук ҳол такрор бўлмаслиги учун масаланинг қонуний жиҳатларини таҳлил қилган маъқул кўринади. Гап шундаки, боғ ва токзорларни ижарага бериш ширкат хўжаликлари учун яхши. Яхши томони шундаки, ширкат хўжалиги бошқаруви ер эгалик бўлганидан, ортиқча ташвишлардан қутулади. Боғбон эса ижарага олинган майдонда қанча мўл ҳосил олса, ўзи ҳам шунчалик кўп моддий манфаатдор бўлишини билади. Шу сабабли меҳнатни ҳам, қаровни ҳам кўп ва хўп қилади. Ерни ижарага олган ҳам, уни ижарага берган ҳам мулкий манфаат деган тушунча билан бир-бирига боғланади.

Ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўртасидаги муносабатни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат бу — ижара шартномаси. Бусиз ижара ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ушбу меъёрий ҳужжат Фуқаролик кодекси, амалдаги **"Ижара тўғрисида"**ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий манбаларга таянилиб тузилади. Ижара шартномасида келишилган мажбуриятларни ҳар икки томоннинг бажариши мажбурий. Акс ҳолда, яъни мажбуриятларни бажармаслик **"Ижара тўғрисида"**ги Қонуннинг 32-моддасига асосан ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Энди хулоса қилиш мумкинки, юқорида баён этилган воқеада муносабатларда мувозанат бузилган. Ижарачилар ижара ҳақини тўлашда масалага енгил-елпи қарашган. Ҳар бир ижарачи хўжалик кассасига ўзи бориб, ижара ҳақини тўлаганида, тўлов паттасини қўлига олганда терговга ва судга қатнашига ҳожат қолмасди. Хўжалик ҳам ижара ҳақи тушумидан вақтида мулкий манфаат кўрарди. Ижарачининг ҳуқуқий илмга таянмаслиги, ўзгаларга ўта ишонувчанлиги ана шу иллатни келтириб чиқарган.

Шу ўринда яна бир фикр туғилади: хўжалик раҳбарлари ижара ҳақи тўланишини вақти-вақти билан назорат қилиб боришлари лозим эмасмиди? Ахир, ижара тушумидан тушадиган маблағ қачон хўжаликнинг корига ярамаган? Агар мулкий муносабатларда пала-партишлик бўлмаганида, назорат таъминланганида ижарачилар алданиб, айбдорлар танг қолиб ўтирмасди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Shartnoma qonunchiligi

УНУТИЛГАН ҚАРЗ

Мингбулоқ туманидаги "Ёсин" фермер хўжалиги билан "Гулбоғ пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти ўртасида "Давлат эҳтиёжи учун сотиб олинадиган пахта хомашёси ва уруғлик пахта учун" 3/185-сонли контрактация шартномаси имзоланган эди.

Мазкур шартномага мувофиқ фермер хўжалиги 75,9 тонна пахта хомашёсини етиштириб топшириши, ҳиссадорлик жамияти эса қабул қилинган пахта хомашёсининг қийматини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

"Ёсин" фермер хўжалиги аъзолари шартномада кўрсатилган мажбуриятларни ортиғи билан бажаришди. Яъни улар 76,6 тонна пахта хомашёсини "Гулбоғ пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамиятига етказиб беришади.

Икки тарафлама тузилган шартноманинг 2.3 бўлим "в" бандида "маҳсулотнинг 20 фоизли қиймати бўйича якуний ҳисоб-китоблар қайта ишлаш натижаларига кўра 2003 йилнинг 1 август кунига қадар амалга оширилади" деб белгилаб қўйилган.

Ҳиссадорлик жамиятида 2003 йилда қабул қилиб олинган пахта хомашёсини қайта ишлаш 2003 йил 30 май куни якунланган. Ҳиссадорлик жамиятига фермер хўжалиги томонидан топширилган пахта хомашёсининг қиймати 10.358.000 сўм ҳисобланган. Шундан фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамига 10.138.000 сўм маҳсулот қиймати тўланган. Бироқ қолган 220.000 сўмлик маҳсулот қиймати жорий йилнинг 1 феврал кунига қадар тўланмаган. Бу билан юқорида қайд этилган 3/185-сонли контрактация шартномасининг 2.3 бўлим "в" банди талаблари "Гулбоғ пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти томонидан қўпол равишда бузилган. Натижада "Ёсин" фермер хўжалигига моддий тарафдан анчагина зарар етказилган.

Шартноманинг 4.3 банди талабига асосан "тайёрловчи", яъни хўжалик топширилган пахта хомашёси қийматини тўламаса, тўловнинг кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов маблағининг 50 фоиздан ошмаган миқдорида 04 фоиз устама тўлаши керак. Демак, "Гулбоғ пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти 2003 йилнинг 1 август кунидан 2004 йилнинг 1 феврал кунигача, яъни 184 кун давомида қабул қилиб олинган пахта хомашёсининг 20 фоизли қийматини тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаган.

Наманган вилояти адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори, Фуқаролик кодексининг 333-985-моддалари, Хўжалик процессуал кодексининг 135-138-моддалари ҳамда икки тарафлама тузилган контрактация шартномасининг 2.3 бўлим "в" банди, 4.3 банди талабларига асосан "Гулбоғ пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамиятидан "Ёсин" фермер хўжалиги фойдасига 220000 сўм асосий қарз, тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун бўлмаган миқдордаги 110.000 сўм устама – жами 330.000 сўм ундириб бериш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди.

Ўйлаймизки, мазкур даъво аризаси яқин кунлар ичида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилади ва фермер хўжалиги аъзолари ўз меҳнатларининг ҳақини олишади.

Илҳомжон ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Muammo va mulohaza

Сайхунобод туманидаги собиқ "Пахтакор" ширкатлар уюшмаси тугатилиб, деҳқон-фермерлар хўжаликларига айлантириладиган бўлгач, оиламиз ҳам пудратдан фермер хўжалиги тузишга ўтдик. Бизга 22,7 гектар экин майдони тегди. Бу ер майдонини зовурдан насос билан сув чиқариб суғорамиз. Қишда яхоб бериш ва шўр ювиш ҳам насос тортиб берган сув билан бажарилади. Маълумки, зовур суви билан суғорилган ўза яхши ҳосил бермайди. Боз устига тупроқ ортиқча шўрланиб кетади. Шу боис шудгорланган ерда шўр ювиш, албатта, ўтказилиши керак. Демак, бизга нефт маҳсулоти йил ўн икки ой зарур бўлади.

"ВОСИТАЧИЛИК ҲАЛОЛ БЎЛСА..."

Шуни ҳисобга олиб, биз ёнилғи етказиб бериш бўйича Сирдарё шаҳар нефт таъминоти корхонаси билан шартнома туздик. Шартномага асосан, нефть маҳсулотлари хўжалигимиз орқали бериб туриладиган бўлди. Масофа олис, лекин на илож, гоҳи бочка, гоҳи автоцистерна билан ёнилғини ташиб оладиган бўлдик. Ушбу шаҳобчага Раҳматулла Юсупов 2002 йил 1 августдан бошлиқ бўлди. Шундан сўнг муаммо устига муаммо пайдо бўла бошлади. Масалан, 2002 йил 31 августдан 24-сонли лимит (№ 80847) бўйича шаҳобчага келтирилган ёнилғини ва шундан кейинги ойлардаги маҳсулотларни ҳам тўлиқ ололмадик. Натижада шаҳобча фермер хўжалигимиздан ўтган йил 1 январгача 923 литр, нархи 80230 сўмлик дизель ёнилғиси, 200 литр ёки 26354 сўмлик дизель мойи, 100 литр, яъни 6167 сўмлик вертинка мойи қарз бўлиб қолди. Охири шу бўлдики, шудгорланган 16,4 гектар майдонда шўр ювишни ўтказолмадик. Агар шўр ювилмагани туфайли ҳар гектар майдондан 3 центнердан ҳосил йўқотган бўлсак, жами 4920 килограмм ҳосил кам олинди, демакдир. Ушбу ҳосилнинг пули 1067197 сўм бўлар эди.

Бироқ қийинчилигимиз шу билан тугамади. 2003 йил 6 мартдаги 10-сонли лимит (№66067) бўйича 1700 литр дизель ёнилғимиз «3-АЁҚШ»га келтирилган. Лекин маҳсулотни яна тўлиқ ололмадик. Аниқроғи, Раҳматулла Юсупов яна ишни пайсалга солди. Мисол учун ушбу маҳсулотнинг 950 литрини икки ой давомида олти марта бўлиб олдик. Яъни 110 литрдан 330 литргача бўлиб-бўлиб берган. Ҳолбуки, қизғин мавсум даврида экин-текин техникасига бир кунда 100 литр ёнилғи етмай қолади. Бизга эса апрел ойи мобайнида 780 литр ёнилғи берилди.

Боз устига, қор-қировли ва ёмғирли кунларда «АЁҚШ»га транспорт кира қилиб қатнаб овора бўлганимиз қолди. Биргина шу оворагарчиликлардан 65 минг сўм моддий зарар кўрдик. Ўтган йил ёзда Раҳматулла Юсупов ишдан бўшаб кетди. Олти ой даврида 1443 литр дизель ёнилғиси, 90 литр дизел мойи, 100 литр вертенка мойини ололмай қолдик. Жами 150327 сўмлик ёнилғи берилмади. Кўп марта Р.Юсуповга бориб учрадик. У ҳар сафар "қолган маҳсулотни энди бошқа «АЁҚШ» ҳисобидан олиб бераман", деб алдашдан нарига ўтмади. Ёнилғи таъминотидаги камчилик туфайли фермер хўжалигимиз 1172137 сўм зарар кўрди.

Бу қийинчиликлар биргина ёнилғи масаласида. Балки Сирдарё шаҳар нефт маҳсулотлари корхонаси ҳалиям бўлса, айбдорни топиб, қарзни ундиришда ёрдам берар, деган умиддамиз.

Юқоридагиларга асосланиб, шундай бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Техника, ўғит, ёнилғи учун шартнома тузиладими, улар ортидан фермер югуриб юрмаса, балки шартномада келишилган миқдордаги хизмат, маҳсулотни белгиланган вақтда ва айтган жойга хизмат кўрсатувчи етказиб берсин. Майли, маҳсулотга транспорт ҳақи қўшимча бўлар. Чунки барибир фермер машина кира қилиб, ҳақ тўлайди-ку?!

Мамлакатимизда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш учун барча имконият ва шарт-шароит яратилаяпти. Агар юқоридагидек хизмат доираси кенгайтирилса ёки воситачилик ишлари ташкил этилса ҳамда бу қонуний асосда йўлга қўйилса, ортиқча оворагарчиликдан қутулган бўлар эдик.

Кўчим ОТАБОЕВ,
Сайхунобод туманидаги
"Отабой ҳожи"
фермер хўжалиги раҳбари

Qonun dastagi

УЗОҚ КУТИЛГАН КРЕДИТ

ёки бир тадбиркорнинг кредит олишдаги оворагарчиликлари хусусида

Тадбиркорлик учун етарли миқдорда маблағ зарур. Зеро, бусиз кўзланган мақсадга етишиш мушкул. У ҳолда маблағи йўқ киши қандай тадбиркорлик билан шуғулланади? Бу саволга жавоб тайёр: банкдан кредит олади. Аммо кредит олишнинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидаси мавжуд. Яъни "бизнес-режа" тузиш, гаровга кўчмас мулк қўйиш шулар жумласидандир.

Бандихон туманидаги "Мустақиллик"нинг 10 йиллиги" номли ширкат хўжалигида яшовчи Панжи Алиқулов ҳам чорвачилик билан шуғулланишни ният қилиб, 2001 йилнинг 25 декабр куни якка тадбиркор сифатида Бандихон туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтди. Бироқ чорвачиликни ривожлантириш учун тадбиркорга маблағ зарур бўлди. Шу боис у "Пахтабанк"нинг Термиз шаҳар бўлимидан кредит олиш учун ариза берди. 3 миллион сўм миқдорида кам фоизли кредит ажратиш сўраб ёзилган аризани банкдагилар қабул қилишиб, тез кунда жавобини ҳам беришди. Бироқ тадбиркор аризасига берилган жавобни ўқиди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Чунки банк бўлимининг кредит қўмитаси томонидан 26 июл кунидаги 31-сонли мажлис баёнига кўра унга кредит ажратиш рад қилинган эди. Бунга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Марказий банк ўртасидаги ўзаро келишувга биноан вилоят ҳокими томонидан 2002 йил 9 март куни тасдиқланган 2002 йилга мўлжалланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастурига якка тадбиркор П.Алиқуловнинг тақдим этган кредит лойиҳаси киритилмагани сабаб қилиб кўрсатилди.

Бу жавобнинг Адлия вазирлигидан 903 ва 1074-рақам билан рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларини кредитлашни рўйхатга олиш тартиби ва талабларига мутлақо зид эканидан бехабар бўлган Панжи Алиқулов орадан олти ой ўтгач, яна кредит ажратиш тўғрисида банкка ариза ёзди. Унинг аризаси яна ерда қолмади. Орадан бир кун ўтгач, ариза қўмитада кўриб чиқилиб, унга жавоб ёзилди.

Бироқ кредит ажратиш яна рад қилинган эди. Эмишки, "Пахтабанк" билан вилоят Бандлик жамғармаси ўртасида 2003 йил учун Бош келишув тузилмагани учун маблағ ажратилмаган. Бу жавоб ҳам тадбиркорнинг кўнглини чўктирмади.

Орадан икки ярим ойни ўтгач, аниқроғи, 26 март куни кредит ажратишни сўраб, яна банкка мурожаат этди. Бу гал унга ***"2003 йилнинг биринчи чораги учун ажратилган лимит тугагани сабабли кредит ажратиш рад этилади"*** деган жавоб берилди. Панжи Алиқулов бундан хуноб бўлган бўлса-да, арслон изидан, мард сўзидан қайтмайди, дея 25 апрел куни яна банкка ариза ёзди. Банкдагилар энди унинг қўлига Бандлик жамғармаси томонидан 2003 йилнинг 2-чораги давомида лойиҳаларни молиялаштириш режалаштирилган маблағ миқдорида кредит сўровномаси тақдим этилгани муносабати билан ва тадбиркорга кредитнинг қайтаролмаслик хавфини олдини олиш мақсадида тақдим этилган "Бешчинор" фермер хўжалигининг кафолат хати ноликвид ҳисобланганги сабабли кредит ажратилмагани қайд этилган жавоб хатини тутқазишди. Шунча ҳаракатлари бесамар кетгач, тадбиркор Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармасига, вилоят Марказий банк бошқарувига ариза билан мурожаат этди. Адлия вазирлиги томонидан назоратга олинган тадбиркорнинг мурожаати ўз жойида ҳуқуқшунослар томонидан пухта ўрганилиб чиқилди.

Тадбиркорга кредит ажратишда қонунбузарликка йўл қўйилганлиги сабабли вилоят адлия бошқармаси томонидан Марказий банк, "Пахтабанк"нинг Сурхондарё вилояти бошқаруви, Марказий банкининг Сурхондарё вилояти Бош бошқармасига қонунбузарликка йўл қўйган масъул ходимларни жазолаш ҳамда тадбиркорга кредитни ажратишда амалий ёрдам сўраб тақдимномалар киритилди.

Яқинда "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси томонидан вилоят адлия бошқармасининг 2003 йил 30 майдаги 266Ф-3-сонли тақдимномасига қуйидагича жавоб хати келди: ***Бўлимда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит маблағи ажратиш ва кредит жилдномаларини тўғри расмийлаштиришдаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги учун "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармасининг ўрта ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўлими бошлиғи Ш.Сурабов ўртача иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жаримага тортилди. Якка тадбиркор П.Алиқуловга кредит ажратиш масаласини кўриб чиқишда қонунбузилишига йўл қўйилгани сабабли "Пахтабанк"нинг Термиз шаҳар банк жараёнлари бўлими бошлиғи С.Жўраев ва шу бўлимнинг 2-тоифали мутахассиси Б.Салимовга "ҳайфсан" берилди".***

Узоқ чўзилган кредит машмашаси шу тариқа якун топди. Лекин тадбиркорнинг оворагарчилиги ўрнини тўлдириш имкони йўқ-да...

Собир КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласининг долзарблиги, халқаро ҳуқуқ андозаларига жавоб бера оладиган ҳимоя тизими нечоғлик зарурлигини англаган ҳолда бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва уларни амалда қўлланиши фуқароларнинг ҳуқуқларининг тўлиқ таъминлашга хизмат қилмоқда.

Инсон ҳаёти давомида турли ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Жумладан, Конституциямизнинг 25-моддасида ***"ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмас"***, дея қайд этилган.

Шахс томонидан содир этилган жиноятнинг даражаси ва хавфлилига қараб унга оғир жазодан енгил жазо беришга ўтиш ёки кам аҳамиятли жиноятларда ярашув институтининг қўлланилиши туфайли шахсни жиноий жазодан озод қилиш тартиби бу борада инсонпарварлик сиёсати устувор бўлаётганидан далолат беради.

Бу сиёсат замирида шахснинг, фуқаронинг ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам ётади. Ҳар бир шахс, қонунда белгиланганидек, процессуал жараёнларда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга ва бу қоида қонунларда кафолатлаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тартиби ва шартлари белгиланган. Унда, жумладан, жиноят ишини юритувчи барча мансабдор шахслар ва давлат идоралари жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишлари мажбурлиги кўрсатилган. Мазкур моддада ***"ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурорнинг санкциясисиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас"***, дейилади.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши ҳам қонун билан муҳофаза этилади.

Конституциянинг 26-моддасида ***"жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади"***, дейилади.

Мана шу қоида Жиноят-процессуал кодексида янада кенгайтирилган. Кодекснинг 23-моддасида "Айбсизлик презумпция"си тушунтирилади. Унга кўра киши айби суд ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас. Зеро, Конституцияда шахснинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида белгиланган. Шунинг учун ҳам, ***"қонун қўлланаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши"*** лозим. Кўриниб турибдики, инсонга шундай ҳуқуқларнинг берилгани шахсни олдиндан ҳимояланишига гаров бўлган. Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида шахсни ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш ҳолати тушунтирилган. Унга кўра, шахс ***"ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади"***.

Шунингдек, судда тортишувчилик тамойилига риоя этиш ҳам шахсни ҳимояланиш ҳуқуқининг амалдаги таъминланишидир.

Бундан ташқари шахснинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлашда адвокатуранинг ҳам ўрни катта. Ҳар қандай шахс ҳам ўз ҳуқуқини яхши билмаслиги ёки амалда уни қўллай олмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам қонунда ҳар қандай шахсга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши, шахсга ўзининг айбсизлигини исботлаш имконияти кенг берилган. Шу билан бирга шахсга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда адвокатура ва адвокатларнинг ўрни ҳам беқиёсдир.

Президентимиз томонидан Олий Мажлиснинг бир қатор сессияларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг аҳамиятини ошириш, процессуал жараёнларда ҳуқуқларни тиклашга кенг имкониятлар яратиш лозимлиги, бу соҳада мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ҳақида айтиб ўтилган фикрлар катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини амалда таъминлашда адвокат ёрдамидан фойдаланиши, айниқса, вояга етмаганлар ҳимоясини таъминлаш, моддий жиҳатдан аҳволи оғир бўлганларга давлат томонидан ҳимоя билан таъминлаш тизими мавжуд.

Адвокат ўзи ҳимоя қилаётган шахсни ҳам мавжуд қонун талабларидан хабардор қилиб борса, ҳам мавжуд далилларни текшириш ва уни баҳолашда ёрдам кўрсатади.

Адвокат ўз фаолиятини амалга оширишдан аввал қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

"Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан" (**"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонуннинг 3-моддаси).

Қасамёддан кўриниб турибдики, ҳар бир адвокат ўз вазифасига киришишидан аввал, виждони олдида ҳисоблашишга руҳан ўзини тайёрлайди. У ўзининг шахсий манфаатларини эмас, балки унга умид билан мурожаат қилаётган шахснинг манфаатларини устун қўйиб, саъй-ҳаракатлар кўрсатади.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, адвокатуранинг асосий вазифаси — жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, фуқароларга қонунчиликни тушунтириш ва уларни тарбиялашдан иборат.

Адвокатлардан бошқа ҳеч ким улар фаолияти ва уни ташкил этиш масалаларини ҳал қила олмайди ва ҳал қилмаслиги лозим. Адвокатлар фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда мурожаат қилиб келувчига маслаҳатчи сифатида ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин.

Шу ўринда ким адвокат бўла олади, деган савол келиб чиқиши табиийдир. **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеи, жисмоний нуқсонларидан қатъи назар, олий юридик маълумотга эга бўлган, малака имтиҳонини муваффақиятли топширган, адвокат қасамёдини қабул қилган, адвокат мақомини олган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган жисмоний шахс адвокат бўлишга ҳақлидир.

Инсон ҳар доим ҳам ўз хатти-ҳаракатини қонуний ёки қонун доирасидан ташқарида эканини билмаслиги мумкин. Адвокат ана шундай ҳолларда ҳам фуқароларга ёрдам кўрсата олади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адвокатура институти ҳозирги кунда зарурий тизимга айланиб бормоқда. Қолаверса, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашда халқаро ҳуқуқ меъёрларига, халқаро андозаларга мос ҳуқуқ тизимини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сурайё ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Тошкент Ислом университети магистранти

Mitti maslahat

ОТАЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕЛГИЛАШ

Ҳаётда айрим аёллар адашиши ёки алданиб қолиши мумкин. Бу эса фарзаднинг отасиз туғилишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда туғилганликни расмийлаштириш қонунчиликда қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Адлия вазирлигининг 2000 йил 5 июндаги 25-сонли ҳайъат қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати адолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) идораларида иш юритиш тартиби ҳақида"ги Йўриқноманинг 39-47 бандларига кўра, туғилганликни ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан қайд қилдиришда ФҲДЁ идорасига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва ёзма аризаси (3-илова бўйича) тақдим этилади.

Ёлғиз она аризасида бола, она ва отанинг фамилияси бир хилда — она фамилияси бўйича кўрсатилади. Айрим ҳолларда онанинг хоҳиши бўйича болага она томонидан бобосининг исми фамилия қилиб берилиши мумкин, лекин бу ҳолда ҳам она ва отанинг фамилияси бир хилда, яъни она фамилияси бўйича кўрсатилади. (Йўриқноманинг 40-банди).

Агар туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда аризадаги она имзоси туғриқхона врачининг имзоси ва туғриқхонанинг муҳри билан ёки нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

Ёлғиз онага туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилгани ҳақида белгиланган шаклда (4-иловада) маълумотнома берилади. Ушбу маълумотнома боланинг никоҳсиз туғилганини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Мутасадди идораларда ёлғиз оналар аризалари рўйхатга олиш дафтарларига қайд этилиши, аризанинг ўнг томонининг паст қисмига кириш рақами ва рўйхатга олишган санаси берилиши, тартиб билан тикиб борилиши лозим.

Мабодо туғилганликни қайд эттириш муддати ўтгандан сўнг (16 ёшгача) мурожаат этилса, у ҳолда ФҲДЁ идорасига туғилганликни қайд эттириш муддатини ўтказиб юборганлик сабаби кўрсатилган ариза (5-илова бўйича) боланинг туғилгани ва соғлигини тасдиқловчи ҳужжат билан қўшиб тақдим этилади. Шу билан бирга ёлғиз она томонидан 3-илова бўйича ариза ҳам тўлғазилади.

Bolalar sporti

ИНТИЛИШ БОР, БИРОҚ...

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг қандай бажарилишини ўрганиш мақсадида Навоий вилоятининг Кармана туманидаги мактаблардаги аҳвол билан танишдик. Таъкидлаш жоизки, туманда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, болалар спорт иншоотлари барпо этиш, борларини таъмирлаш, мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Бироқ бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Буни қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

Ҳазора қишлоғи туман марказидан анча олисда жойлашган бўлиб, бу ерда 10 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Байрам ёки тўй-маросимларда миллий спорт мусобақалари ўтказилиб турилади. Айниқса, белбоғли кураш, футбол, волейбол каби спорт турлари кенг оммалашган. Қишлоқда 3 та мактаб бор. Ҳ.Эгамова номидаги 9-умумтаълим мактабининг қурилганига кўп йиллар бўлганлигига қарамасдан стадион ва спорт залига эга. 64 нафар ўқитувчи 731 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Қизиғи шундаки, спортни ривожлантириш учун барча шароитлар бўлишига қарамасдан, ёшларнинг 100 нафардан сал ошиқроғи машғулотларга қатнашар экан. 1-4-синфлардан 17 нафар, 5-9 синфлардан 106 нафар, 10-11 синфлардан 18 нафар ўқувчи спортга ошно бўлишган. Бошқача айтганда, 19,2 фоиз ўқувчигина спорт тўгаракларида иштирок этишади.

— Бунинг асл сабаби спорт мураббийларининг йўқлигида, — дея изоҳ берди мактаб раҳбари Равшан Ҳасанов, – спортни севмаган ўқувчи йўқ. Жисмоний тарбия дарсларида фаол қатнашишади. Билим даргоҳимизда 4 нафар жисмоний тарбия ва спорт ўқувчилари бўлиб, улардан бир нафаригина олий маълумотга эга. Муаллимларимиз имкониятига яраша ҳаракат қилишаяпти.

Мактаб директори билан спорт залида бўлдик. Ҳар йили таъмирланганига қарамасдан деворлари нураб қолган. Спорт анжомлари жуда кам. Директорнинг айтишича, "Ҳазора" ширкат хўжалиги мактаб учун доимо ғамхўрлик қиларкан. Аммо спорт анжомлари олишга ҳали киришмабди. Бизнингча, бу билим масканида спортни ривожлантириш учун имкониятлар бор. Лекин унга бош-қош бўлувчи раҳбар ва мураббийлар керак.

Ал-Хоразмий номидаги 22-мактабда ҳам спортга муносабат ҳаминқадар. Унда 700 нафарга яқин болалар билим олади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

САВОЛ: ***Мен бир танишимга шу йил январ ойида 200 минг сўм қарз берган эдим. Мен пулни қачон талаб қилсам, ўша куни у ойига 10 фоизли устама билан қайтаришига келишган эдик. Бироқ пулни сўраганимга икки ҳафта ўтса-да, танишим қайтармаяпти. Мен нима қилишим керак?***

Шоҳруҳ УМИРОВ,
Тошкент вилоят, Чиноз тумани

ЖАВОБ: – Албатта, қарздор олган қарзини қарз шартномасига мувофиқ кўзда тутилган муддат ва тартибда қарз берувчига қайтариши керак. Сизнинг орангиздаги қарз шартномасида қарзни қайтаришнинг аниқ муддати белгиланмаган экан, Фуқаролик кодексининг 735-моддасига кўра, сизнинг қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кунингиздан бошлаб 30 кун мобайнида қарзингиз қайтарилиши шарт. Демак, ҳали яна ярим ой муҳлат бор.

Шунда ҳам қарздор қарзни тўламаса, сиз яшаш жойингиздаги фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

САВОЛ: ***Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен сизларга шундай масала юзасидан мурожаат қиляпман. Мен ҳозир уйда бола парвариши билан банд бўлганим учун нафақа оляпман. Болам икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш нафақаси бериладиган пайтда мен ишлашим мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу оладиган нафақам миқдорига таъсир қиладими-йўқми? Бу ҳақда аниқ тушунтириш беришингизни илтимос қиламан.***

Севара ҲАМРОЕВА,
Наманган вилоят, Поп тумани

ЖАВОБ: – Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш нафақаси ишлайдиган оналарга ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин иш жойидан жорий ой учун тўлаб борилади. Меҳнат кодексининг 234-моддаси, тўртинчи қисмига мувофиқ, сиз болани амалда парваришлаётган шахс ҳисобланасиз ва ўз хоҳишингизга кўра, ишлашингиз ҳам мумкин. Бундай вақтда фақат тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан ўзаро келишиб, уйда ишлаш тавсия этилади. Бунда сизнинг нафақа олиш ҳуқуқингиз тўлиқ сақланади.

Адҳам ОДИНАЕВ тайёрлади.

Уйғониш нафаси

Jahon tajribasi

УЙ ҚАМОҒИ

Унинг эҳтиёж чораси сифатидаги аҳамияти нимадан иборат?

Қонунчиликда бир қанча жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилган. Бошқача айтганда, процессуал мажбурлов чоралари огоҳлантириш, яъни бундай чоралар қўлланиши кўзда тутилган шахсларнинг келгусида ғайриқонуний фаолиятга йўл қўймаслигига хизмат қилади.

Амалиётда энг оғир чора қамоққа олиш бўлса, энг енгили муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат беришдан иборат.

Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида уй қамоғи шаклидаги эҳтиёт чораси ҳам мавжуд. Ушбу чора нисбатан жиддий бўлмаган шартлар асосида айбланувчини қамоққа олмай, ўз уйида жамиятдан алоҳида сақлашдан иборат бўлиб, суднинг қарорига мувофиқ шахснинг ҳуқуқлари муайян даражада чекланишида ифодаланади. Бундай чекланиш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- уйидан муттасил ёки муайян вақтларда чиқиб кетмаслик;

- телефонда сўзлашмаслик, хат-ёзишмалар юбормаслик, алоқа воситаларидан фойдаланмаслик;

- муайян шахслар билан учрашмаслик ёхуд уйига ҳеч кимни таклиф этмаслик;

- электрон назорат воситаларини ўзида бўлиши ва соз ҳолда ишлашини таъминлаш;

- назорат тартибида телефонга чақирганда жавоб бериш ёхуд муайян вақтларда телефонда ўзи тўғрисида хабар бериш;

- айбланувчининг ўзи ёки унинг уй-жойини кузатиш, уйини ёхуд унга ажратилган хонани қўриқлаб туриш;

- айбланувчини жамият билан алоқасини чеклаш ёки унинг ҳулқ-атворини кузатишга қаратилган бошқа чораларни кўриш.

Уй қамоғини ўташ, унинг муддати билан боғлиқ масалалар худди қамоқда сақлаш тартибидек ҳал этилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, хорижий мамлакатларнинг деярли барчасида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва уй қамоғини қўллаш учун суднинг рухсати олиниши шарт. Шу сабабли жиноий таъқиб идоралари қамоқни иложи борича камроқ танлайди. Қамоққа олинувчи ўз ҳимоячиси билан бирга судда ўз фикр-мулоҳазаларини ва қарши далилларини изҳор этиш имкониятига эга эканини айбловчи полиция ходими ва атторней (прокурор) эътиборга олишга мажбур. Мустаҳкам асосга эга бўлмаган шубҳалар ва чуқур текширилмаган асослар бўйича шахсни қамашга суд рухсат бермаслиги аниқ. Бундан ташқари, «Сиёсий ва фуқаровий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактнинг (1966 йил) 9-моддасида ҳар қандай ушланган ёки қамалган шахс қисқа вақт мобайнида судга келтирилиши ва қамалишининг асосли ҳамда қонуний эканлиги суд томонидан текширилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда бу борада дунё давлатлари тажрибасига назар ташласак, Англия жиноий процессуал қонунларида "полиция қамоғи" назарда тутилган. Аслида у шахсни вақтинча 24 соатгача, жиддий жиноятлар учун 36 соат ушлашдан иборат бўлиб, магистрат судининг рухсати билан 72, узоғи билан 96 соатгача чўзилиши мумкин. Келгусида бу муддат суднинг қарори билан ҳар сафар 8 кунга узайтирилиши, жами бўлиб 70 кун, айблов актига биноан эса шахс 112 кунгача қамоқда сақланиши мумкин. Шунингдек, Англия амалиётидан ўрин олган "bail" презумпцияси бўйича айбланувчини қамамаслик, озодликда қолдирмаслик ёки заруратини жиноий таъқиб идораси судда исботлаши шарт. Акс ҳолда у гаров ёки кафиллик берилиши муносабати билан озодликда қолдирилади.

Ривожланган бошқа хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунларида ҳам асосий эҳтиёт чораси қамоқ ҳисобланади. Қамоқда сақламаслик кўпинча катта миқдорда гаров, уй қамоғи, кам ҳолатларда кафиллик билан алмаштирилади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
тадқиқотчи

Qing`irlik

МАНЗИЛИГА ЕТМАГАН ЮК

ёки 118 миллион сўмлик зарарнинг олди олинди

Ховос темир йўл станциясида техник назорат бошқармаси бошлиғи бўлиб ишловчи Н.М. жиззахлик фуқаролар Б. Т. ва А. У. билан ҳамкорликда мўмай пул топмоқчи бўлишди. Улар тожикистонлик Нажмиддин ва россиялик Толик исмли йигитлар ёрдамида Тожикистондан Латвияга жўнатилаётган 4 та вагон пахта толасини Россиядаги Иванова пахта заводига жўнатиб юбориш режасини тузишди. Жиноий гуруҳ аъзоси Нажмиддин жиззахлик Б.Т. ва А.У.ларга Тожикистондан Латвияга 28431294, 280209931, 24383368, 26230094-сонли вагонларда умумий қиймати 184 минг АҚШ долларига (118 миллион сўм) тенг бўлган 156 тонна 1-навли пахта толаси жўнатилгани ва юк Ховос станциясидан ўтишини маълум қилди.

Россиялик жиноий гуруҳ аъзоси "Толик" эса 4 та вагондаги юк ҳужжатларидаги юк олувчи ташкилот Латвиядаги "КФ "Сигнал-П" фирмаси" деган ёзувларнинг ўрнига "Иванова пахта заводи" деган ўзгартириш киритишни ва вагонларни Ўзбекистон ҳудудидан Қозоғистон ҳудудига чиқариб беришни ташкиллаштиради. Бу иш учун иштирокчиларнинг ҳар бирига 20 минг АҚШ доллари миқдорида "хизмат ҳақи" белгиланади. Жиноий гуруҳ аъзоси Н.М. қонунга зид равишда Ховос станциясида турган 4 та вагонга тегишли ҳужжатларни шерикларига беради. Шундан сўнг вагон ҳужжатлари қалбакилаштирилиб, 4 та вагондаги юкларни Қозоғистон Республикаси ҳудудига жўнатиб юборишади. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли 4 та вагон юк чегарада тўхтатиб қолинди. Натижада мамлакатимиз иқтисодига 118 миллион сўмлик моддий зарар етишининг олди олинди. Чунки 156 тонна миқдоридаги 118 миллион сўмлик пахта хом ашёси Латвияга етиб бормаганда, ушбу зарарни тўлаш мамлакатимиз зиммасига юкланар эди.

Албатта, жиноятчилар қонуний жазоланишди. Лекин айрим кимсаларнинг нафс қутқусига учиб, халқимиз манфаатларига хиёнат қилишганини кечириб бўлармикан?

Абдушукур ОМОНОВ,
ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

ГИРДОБ

СУД ОЧЕРКИ

Тоня тежаб-тергайдиган, борига шукр қилиб яшайдиган келин эмасди. Унинг бу қилиғи қайнонаси Светлана Кимга ёқмасди. Шу боис, у 2001 йили ўғли келтирган шоли ҳосилини ўз уйига туширтириб олди. Кейин шолини соттириб, кичик ўғлига Тошкентдан квартира сотиб олиб беришга қарор қилганини айтди. Эвазига гуруч ва бошқа озиқ-овқатлар, кийимкечак олиб берди. Яна зарур бўлганда ўғлига моддий ёрдам бериб турди.

Бироқ ҳар йилгидек, ҳосилнинг шу йил ҳам уйга келмагани ва уни гуруч қилиб, бозорда ўз қўли билан сотиб, бойвуччалардек катта-катта харжлай олмагани алами Тонянинг юрагини ёндириб юборди. Шунчалик ёндирдики, виждони ҳам қўшилиб куйиб кетди. Кейинги йили қайнонаси "майли, хато қилибман, қийналиб қоларкансизлар", деб ўғли келтирган ҳосилга тегмади. Боз устига, уларга ёрдам бериб турди. Бироқ куйган буюм аслига келмаганидек, Тонянинг юрагидаги қурум ҳам аримади. Орадан икки йил ўтса-да, унинг фикру-зикри, қандай қилиб бўлса-да, қайнонасидан ўч олиш билан банд бўлди. Охири йўлини топди.

Тоня қўшни 15-уйда яшайдиган фолчи Галя билан анча қалин дугона эди. Фол очдиргани бориб турарди. Галя эса ўн бир ёш катта бўлгани ёки корейс йигитига турмушга чиқиб, бир боласи билан ажрашгани учунми Тоня Кимга ўзини туғишган опадек ғамхўр тутарди. Унинг уйига эса ўзидан 19 ёш кичик жазмани Зоир тез-тез келиб турарди. Бу 23 ёшли йигитча икки йил аввал Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-бандининг "в" қисми билан судланиб, қамалиб чиққан ва ҳеч қаерда ишламасди. Ноқонуний эр-хотинлар жуда иноқ бўлишмаса-да, Зоир Галянинг гапига кириши аниқ эди.

Айнан шу йигитчанинг "ҳунари"дан фойдаланиб қолишни Тоня ҳам мўлжаллаб юрганди.

– Мен қайнонамнинг калитини оламан, – деди Тоня. – Кейин уйини ўмарсак бўлади. Доим айтиб юрардим-ку, бир боплайлик деб.

– Шу бечорага ёрдам қилиш керак, – деди Галя Зоирга. – Илтимос, йўқ дема.

– Қайнонангнинг арзийдиган буюми борми ўзи? – сўради Зоир.

– Албатта-да, – деди Тоня. – Уйида 600 долларни асраб ўтирибди. Шкафнинг остидаги чемадонда...

– Буни қаёқдан биласан?

– Қизи Наталья Чимкентда савдогарчилик қилади. Яқинда келганда онасига шу пулни ташлаб кетибди. Натальянинг қизи Света билан қизим Алёна доимо қайнонамникида ўйнаб юришади. Қайнонам қизинг 600 долларимни олиб қўйибди, деб туҳмат қилди. Кейин айтишича, пулни топишганмиш.

Тоня қараса, фақат шу пул учун Зоир ўғирликка қўл урмоқчи эмасдек туюлди. Шу боис уни янада қизиқтиришга уринди:

– Яна видеомагнитафон, телевизор, қимматбаҳо гилам, магнитафон, ноёб матолари ҳам бор.

– Хўп, келишдик, – деди Зоир. – Пул ва буюмларни учга бўламиз. Мен, Галя ва сенга.

Тоня эса пулни бошқалар билан бирга баҳам кўришга рози эмасди. Буюмлар бўлса, бошқа гап. Пул унга жуда зарур. Охирги вақтда камхаржлигидан ўзини қўл-оёғи боғлангандек сезарди. Боз устига, қайнонаси шолини олиб қўяётганида, битта чўчқасини беришга ваъда қилганди. Лекин ваъдасининг устидан чиқмади. Яқинда чўчқасини сотибди, унинг пулиям шкафида турган бўлса керак. Ичи пулга ачишаётган бўлса-да, Тонянинг рози бўлишдан бошқа иложи қолмади.

– Энди калитларни бер, – деди Зоир.

– Яхшиси, улардан андоза олайлик, – деди Тоня. – Акс ҳолда қайнонам калитни тополмай, қулфни ўзгартириши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

Bolalar sporti

ИНТИЛИШ БОР, БИРОҚ...

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Футбол, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси тўгаракларини жисмоний тарбия ўқитувчилари бошқаришади. Дарсдан кейин улар турли машғулотлар ўтказишар экан.

— Жисмоний тарбия ўқитувчиларимизга қўшимча ишлаб топган сармоя ва келишувлар ҳисобидан ҳар ойда 10 минг сўмгача мукофот тарқатаяпмиз, – дейди мактаб директори Аҳмад Ҳайдаров, — Мактабимиз туман марказидан анча олисда. Устига устак, спорт мураббийи деган иш ўрнига эга эмасмиз. Спорт устаси бўлиши учун қўшимча маблағ зарур. Бундай сармоя бизда йўқ. Бундан 2-3 йил илгари Навоий шаҳридаги "Нур-хаскаратэ" марказидан мураббийлар келиб, бир гуруҳ ёшларга каратэ сирларини ўргатишди. Машғулотлар пуллик бўлганлиги боис ота-оналар болаларини юбормай қўйишди. Оқибатда тўгарак тарқаб кетди. Спорт мураббийлари керак...



Мактабнинг ўйингоҳ ўрнидаги майдончасини кўздан кечирдик. Унинг атрофи ўралмаган, қаровсиз ҳолда ётибди. Янгидан қурилиши керак бўлган стадион майдонига эса экин экилган. Мактабда спорт кийимлари ва анжомлари етишмайди.

Дўрмон қишлоғидаги Алишер Навоий номидаги 3-ўрта мактабда 1500 нафар ўқувчига 118 нафар муаллимлар сабоқ бермоқда. Мактабда улкан стадион, спорт зал ҳамда турли машғулотлар ўтказиш учун тренажёрлар ва зарурий анжомлар мавжуд. Бироқ ўйингоҳни сув босган. Турник ва бошқа чиниқиш темирлари занглаган. Бу ҳолни мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Эркин Ражаб қуйидагича изоҳлади:

— Ўқув даргоҳимизда бир неча спорт турлари бўйича тўгараклар фаолият кўрсатаяпти. Айниқса, спортнинг белбоғли кураш тури ривожланган. Ўтган йили Хоразмда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида мактабимиз ўқувчиси Рустам Умарбоев белбоғли курашда фахрли 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди. Унга тажрибали спортчи Улуғбек Муродов мураббийлик қилганди. Бунақа спортчиларни кўплаб етиштириш мумкин. Ҳозирги кунда Кармана шаҳридаги 6-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббий-устозлари яқиндан кўмак беришаяпти.

Ўқувчиларнинг спортга бўлган муносабатлари билан қизиқдик:

— Спорт жони-дилим, — дейди ўзини Руслан Нурназаров деб таништирган ўсмир. — Кўпдан буён белбоғли кураш билан шуғулланаман. Яқинда 1-разрядни қўлга киритдим. Халқаро мусобақаларда иштирок этишни, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришни орзу қиламан. Афсуски, спорт мураббийлари етишмаслиги боис вилоятдан нарига чиқолмаяпмиз.

— Мактабимизда қизларбоп спорт турларига эътибор кам, — дейди 9-синф ўқувчиси Лола Раҳматуллаева, — гимнастика, паурлифтинг каби спорт турларига қизиқаман. Устоз йўқлиги учун волейбол тўгарагига қатнашаяпман.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз тумандаги учта қишлоқ мактабидаги аҳвол билан танишдик, холос. Аслида туманда 25 та мактаб бўлиб, уларда 23167 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Уларда иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳисобидан 28 нафар спорт мураббийи фаолият кўрсатаяпти. Бундан ташқари, 113 нафар жисмоний тарбия ва спорт муаллимлари меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 36 нафари олий, 7 таси тўлиқсиз олий, 60 нафари эса ўрта махсус билим юрти дипломига эга. Бироқ мактабларда аҳвол кўнгилдагидек эмас. Чунки қайси мактабни кўздан кечирманг, барибир кўнглингиз хижил бўлади.

Албатта, барча айбни халқ таълими ходимларига юклаш, фикридан йироқмиз. Аксинча, Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш ҳақида жон куйдириб ғамхўрлик кўрсатаётган бир пайтда маҳаллий раҳбарлар бу савоб ва эзгу ишга фидойилик билан ёндашиши зарур. Зеро, болалар спортини ривожлантириш барчанинг вазифаси. Ёш авлод ичида қобилиятли ёшлар ниҳоятда кўп. Фақат улар моҳир устозларга муҳтож. Ўйлаймизки, мутасаддилар баён этилган масалага эътибор қаратишади ва муаммолар ечимини топиб, ёш авлод баркамол бўлиб ўсади.

Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Jinoyat va jazo

ГИРДОБ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бу фикр бошқаларга ҳам маъқул тушди. Дарҳол пластилин билан андоза олиш йўлини Тоняга ўргатишди. Тоня андоза тайёрлади. Андозани келтиргач, калит тайёрлатиш учун Галя Зоирга 8 минг сўм берди, у уч кунда калитни тайёрлатиб келди.

Бу ёғига Тоня қайнонаси уйида йўқ пайтини айтса, бас эди. Қизиғи шундаки, қайнона ва қайнотаси 4 ва 5-мавзелардаги алоҳида уйларда яшагани учун томорқаси ҳам каттароқ ва чўчқахонаси ҳам бор эди. Қайнонаси ҳар куни эрталаб ва кечқурун чўчқаларга ем бергани ва томорқадаги ишларга ёрдамлашгани шу жойга келарди. Ўғирлик учун шу фурсат ҳам етарди. Аммо Тонянинг ишини шайтоннинг ўзи ўнгладими, ишқилиб, қайнонаси бир кунга Сирдарё шаҳридаги ўғлиникига кетадиган бўлиб қолди. Демак, хонадон тунда эгасиз қолади. Бу ҳабарни зудлик билан Зоирга етказди.

Тоня эртаси барвақт туриб ташқарига чиқса, Галя кучугини етаклаб юрган экан.

– Нима бўлди, Зоир бордими? – деб ҳовлиқиб сўради Тоня.

– Борди, жуда жаҳли чиқиб келди. Калит қулфга тушмабди. Энди калитнинг ўзини олиб келмасанг бўлмайди. Пластилин андозаси алдар экан...

Одатда, калитлар қайнонасининг уйидаги набираси бўйнида осиғлик юрарди. Тонянинг омадини қарангки, қайнонаси ҳам калитнинг иккинчи нусхасини ясатиб олган, шу боис, набирасидаги калитни олиб турса, қайнонаси сезмай қоларди.

Тонянинг ўч олиш нияти учун яна бир қулай фурсат пайдо бўлди. Шу мавзедаги 39-уйда яшайдиган қайнонасининг томорқасидан карам олгани келганида, эгат орасидан калитлар шодасини топиб олди. Бу қизчанинг бўйнидан тушиб қолгани аниқ эди. Тоня калитларни карамга қўшиб олиб уйга чопди. Сўнг Галяникига келса, Зоир ҳам шу ерда экан. Лекин Тоняда одатдагидек пул йўқлиги учун калит дубликатини ясатишга яна Галя Зоирга 2 минг сўм пул берди. Эртаси калит тайёр бўлди. Тоня эрталаб қайнонаси 5-мавзедалигини, набиралари шаҳар истироҳат боғига кетганини хабар қилди. Галя аввал телефонда қўнғироқ қилиб, кампирнинг уйида бор-йўқлигини текшириб кўрди. Зоир бориб, 40 дақиқалардан сўнг ортига қайтди. Яна жаҳли чиқиб кетганди. Пулни тополмабди, аммо катта халтасини тўлдириб келганди. Видеомагнитафон, аудиомагнитафон, 8-10 метрлик икки бўлак газлама, гўштқиймалагич ва биллур идишлар олибди.

Анчадан сўнг Тоня келгач, Зоир унга қараб ғазаб оловини сочди:

– Нега алдадинг? Пули йўқ-ку! Аламига мана буюмларни олиб келдим.

– Аниқ биламан, бор эди, – деди Тоня.

– Балки пулни ўзинг олгандирсан? Ахир, қўлингда калит бор эди-ку?! Кел, яхшиси, пулни иккига бўлишиб олақолайлик, – деб қолди Зоир.

– Истасанг, қасам ичаман, олганим йўқ, – дея зорланди Тоня.

– Зоирчик, қўй, уни қийнама, – деб гапга аралашди Галя. – Ундақа одам эмас у. Кечаги мастлигинг оқибатида ўзинг яхшилаб қарамагансан.

Кечқурун Тоня яна гап топиб келди.

– Кундузи борсам, қайнонам, аввал калитни, энди буюмларни ўғирлашди, деб айтди. Яхшиям долларни топишолмабди, деди. Кампир милисияга хабар қилганмиш. Зоир, сен яхшиси, шаҳардан кетганинг маъқул. Видеомагнитафонни сотган бўлсанг, шунинг пулини олиб, кетақол. Асли долларни топмасанг, бу арзимас буюмларни ҳам олмаслик керак эди.

Зоир магнитафонни ўзи билан олиб кетди, уни Жиззахдаги оғайнисининг туғилган кунига совға қилиб юборди.

Уч кундан сўнг Тонянинг яна омади келди. Борса, қайнонаси нон олиб келишга кетаётган экан. Тоня эшикни калити билан очиб кириб, чемодандан 600 долларни олди. Сўнг худди ёрдамга келгандай бўлиб, томорқада ишлай бошлади. Албатта, қайнонаси ўшанда сезмай қолди. Эртаси куни бойвучча бўлиб қолган Тоня Галяникига келди. Уни бозорга эргаштириб бориб, ўзи ва қизига кийимлар олиб берди. Ўзига ҳам қимматбаҳо буюмларни олишни унутмади. Аввал калит ясатишга ҳам пулим йўқ, қарзим кўп, деган Тонянинг бунчалик бойиб қолгани боисини Галя бир ойдан сўнг тушуна бошлади.

Тонянинг қайнонаси бир ойлардан сўнг яна набирасини пулни ўғирлаганликда гумон қилиб, қичқира бошлади. Лекин Тоня пулни қизчаси олмаганини биларди, лекин айтолмади. Ўзининг ўғирлигини яшириш ва ўзи ҳамда қизчасидан бу гумонни йўқотиш учун яна қайнонаси буюмларини ўмариш керак, деган қарорга келди.

Галя ва Зоирнинг ҳузурига келиб, кампирда энди 1000 доллар борлигини, яқинда қизи Наташа бериб кетганини ва ўйлаган қарорини айтди. Ўшанда Галяникида ижарада турувчи Зина ҳам бор эди. Хуллас, тўртталаси режа тузишди. Фақат бу сафар қайнонани ўлдириш ва буюмларни ташиб кетиш зарур эди.

Кейинчалик жиноий гуруҳга уч марта судланган Дима исмли йигит ҳам қўшилди. Тоня, Галя, Зина ва Дима яна режа тузишди. Кампирни бўғиб ўлдириш керак, деган қарорга келишди. Дима арқон ҳам топиб қўйди. Галянинг магнитафонини кампирнинг уйидан ўғирланган матога ўрашди. Ахир, магнитафонни танимасаям, кампир матони таниб қизиқиб қолар, деган ўйга боришди. Сўнг иш режадагидек кетди. Эртаси куни соат 15.00 ларда Тоня қайнонаси эшигини тақиллатиб, "бу мен" дегач, кампир эшикни очди.

Аввал Тоня, Зина ва Дима киришди. Тоня матони очиб, магнитафонни кўрсатди. Кампир магнитафонни яхшилаб кўриш учун энгашган пайтда Дима унинг бўйнига арқонни ташлаб бўға бошлади. Зина ёстиқни олиб кампирнинг оғзини ёпди. Тоня қалтирай бошлади, кириш эшиги олдига бориб олди, аммо қайнонасининг инграб, биғиллаши яхши эшитилиб турарди. Охири кампир жимиб қолди. Шу пайт Галя билан Зоир ҳам етиб келди. Эшикни Тоня очди. Галя кампирнинг томирини ушлаб кўрди:

– Ҳали тирик экан. Яна бўғиш керак. Мен инсулин олиб келаман, – деб чиқиб кетди.

Диманинг қўли оғриб, кучи етмай қолгани учун энди кампирни Зоир бўға бошлади. Галя келтирган инсулин керак ҳам бўлмади, унгача кампир батамом тинчиди. Уни диванга ётқизиб, устига чойшаб билан ёпишди. Сўнг битта-битта бўлиб хонадан чиқиб кетишди. Кечқурун Тоня шерикларига овқат тайёрлаш учун Галяникига келса, уйида бир ўзи қолибди. Бошқалар айлангани кетишибди. Шунда Галя деди:

– Сен билан Дима жиддий гаплашмоқчи.

Сўнг Зина ҳам келиб шу гапни айтди.

Тоня қўрқиб кетди. Ким биладди, бу Дима деганлари қанақа жиддий гаплашар экан. Яхшиси, қочиб қолиш керак. Тоня уйига қочиб кетди. Шу билан эртаси Галяни кўриб қолиб, ундан нима бўлганини сўради.

– Мен борганим йўғ-у, лекин бошқалар туни билан кампирникидан буюмларни ташишди. Эрталаб Зоир билан Дима Жиззахга кетишди.

Шундан сўнг Тонянинг хавотири пасайди, бироқ бутунлай йўқ бўлмади. Зоир илгари унга "Сен унга ачинмайсанми, ахир, у қайнонанг, эрингнинг онаси-ку?" деб қичқирганида ҳам бунчалик хавотирга тушмаганди. Ўшанда ўч оташи бутун онги-шуурини банд қилиб олганди. Энди совий бошлади, ўрнини қалтироқ эгаллади. Хавотири бежиз эмас экан. Орадан кўп ўтмай милиция келиб, аввал Тонядан қайнонаси билан муносабати қандай бўлганини сўраб кетди. Бир ҳафтадан сўнг ҳамма шерикларини бирма-бир ушлаб, терговга олиб кетишди, буюмларни яширилган жойдан топишди. Жами буюмлар нархи 2 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этар экан.

Ўч оташи туфайли ёнган ёвузлик олови ўчди. Энди жиноятчилар қандай бўлмасин, фақат жазо муддатини камайтириш ва тезроқ озодликка чиқиш ҳақида ўйлайдилар. Бунинг учун эса вақт етарли. Эҳтимол, ғаразли мақсадда ўзганинг мулкини ўзлаштирган кунларини ҳам лаънатлашар. Бироқ энди кеч. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман, деб бежиз айтишмаган.

Баротбек ЭРНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Turmush chorrahalarida

АЁЛНИНГ ЎРНИ ОИЛАДА!

Аёл, Она... Ўз номи билан муқаддас хилқат. Уларнинг таърифи, қилган ва қилаётган эзгу амаллари ҳақида сўз кетса, уни ниҳоялаш қийинлиги шубҳасиз. Зеро, ҳаётни аёлсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Жамиятимизда аёллар иштирок этмайдиган соҳалар деярли йўқ десак, янглишмаймиз. Бу мамлакатда аёллар ҳуқуқларининг таъминланганидан дарак беради.

Бироқ баъзан аёлни "гулдан нозик"лиги уларни фақат хонадонларимизнинг бекаси бўлиб қолишини истайдиган эркаклар кўплаб топилади. Уйда, фарзандлар билан хотиржам яшашни истайдиган аёллар эса улардан ҳам кўп. Лекин тирикчилик юки истаймизми-йўқми аёлнинг елкасига ҳам тушди. Лекин уни ҳар ким ҳар хил кутиб олади. Ўзига ишонган ақлли ва уддабурон аёллар тадбиркорликда ўзларини синаб кўрмоқда. Излаган имкон топади деганларидек, бугун ишлаб чиқариш, маиший хизмат ва савдо соҳаларида эл олдида обрў-эътибор топган аёлларимиз бисёр.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, барча аёллар ҳам турмуш қийинчиликларини ақлга иш бериб, имкон излаб енгмаяпти. Аксинча, "тайёрга тайёр" бўлиб яшашни хушлайдиганлар камчилик эмас. Бу йўлда эса у фирибгарлик, алдов, хиёнат йўлига кирса, шайтон ҳам унинг олдида ип эшолмай қолади.

Тошкент шаҳрида жойлашган аёллар колониясидаги маҳкуманинг кўпчилиги шундайлардан десак, хато эмас. Зеро, оқила ва ҳалол аёл ҳеч қачон панжара ортига ўз-ўзидан тушиб қолмаслиги тайин.

Бу ерда айниқса, оналарга қийин. Жон жигарингдан яралган фарзандингни соғинсангу шу лаҳзада кўра олмасанг, қорни тўқми-очми, билолмасанг ёки изғирин кечаларда усти очилиб қолганини ҳис этсангу ёпиб қўя олмасанг... Бундан оғир азобнинг ўзи йўқ.

Афсус, турли ноўрин қилмишлар, оқибатини ўйламай қилинган ишлар уларни шу азобга маҳкум этди. Бу ҳолнинг илдизи эса биргина қаноатсизликка бориб тақалади. Мол-дунёга эга бўлиш истаги уларни шу ерга етаклаб келган.

– Одамлардан саккиз миллион пул олиб, бермай кетгандим, – дейди суҳбатдошим Юлдуз Толипова. – Кўзимга пул яхши кўриниб, оқибатини вақтида ўйламадим. Фирибгарлик учун 7,5 йилга озодликдан маҳрум этилдим. Бири 14, иккинчиси 7 яшар бўлган гулдек фарзандлар бу қилмишнинг орқасидан зор қақшаб қолди.

– Болаларингизни роса соғинсангиз керак? Афсусланяпсизми?

– Э, асти сўраманг, – дея хўрсинади Юлдуз. – Пушаймонлигимнинг чеки йўқ. Лекин вақтни орқага қайтариш, хатони тўғрилашнинг имкони йўқ экан. Аёл учун оила, фарзандлар даврасидан ҳам яхшироқ жой йўқлигига дил-дилимдан иқрор бўлдим. Бахт пулда, бойликда эмас, хотиржам яшашда экан аслида.

Бировнинг мулкини талон-тарож қилганликда айбланган Нилуфар Сиддиқова ҳам нафс йўлида гулдек умрини хазон қилганидан армон қилади. Бу қаро қош, шаҳло кўз қиз аслида чимилдиқда ўтирса ярашарди. Афсуски, қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтадилар-да.

Оқибатини ўйламай қилинган иш нафақат бу аёллар, балки уларнинг атрофидагиларга, жамиятга қанчалар зиён келтиради. Шу боис ҳам, ҳар йили мамлакатимиз Президенти томонидан амнистия эълон қилинади. Унда доимо айниқса, аёлларнинг жазодан озод этилишига алоҳида эътибор берилади. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган аёллар авф этилади.

2003 йилнинг декабр ойида эълон қилинган "Амнистия тўғрисида"ги Фармони ижроси бугунги кунда ниҳоясига етказилди. Жазони ижро этиш муассасасидан кўплаб аёллар озод этилиб, оилалари бағрига қайтди. Жумладан, суҳбатдошларимиз Юлдуз ва Нилуфар ҳам.

Дарҳақиқат, аёлларимизнинг ўрни фақат оиласида, севимли кишилари даврасида бўлсин!

Ана шу тенгсиз бахтни асраб-авайлаш, уни қадрлаб яшаш кўп жиҳатдан аёлларнинг ўзига боғлиқ. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Giyohvandlik asr vabosi

УЗИЛГАН ТОР

Омад Анвардан юз ўгирди. Ўттиз ёшга тўлган бу йигит бор-йўғи ўрта маълумотга эга бўлса-да, мактабда мусиқа фанидан сабоқ бериб келарди. Овул жойларида нима кўп, тўй-томоша кўп. Тўй-томоша эса куй-қўшиқсиз ўтмайди. Шунинг учун Анварни йўқлаб келувчилар анча-мунча топилиб турарди. Шу тариқа Анварнинг деярли ҳар бир куни ўйин-кулги, хушчақчақликда ўтар, топар-тутари ҳам жойида эди. Бироқ нима бўлди-ю, ақлидан адашган Анвар лаҳзалик кайф алдовига учиб, жиноят кўчасига кириб қолди. Энди эса у суднинг қора курсисида бошини чангаллаб ўтирибди...

...Асли, шу даврага кирмаслиги керак экан. Ҳаммаси кутилмаганда бошланди. Сўнгги дарс маҳали эди, эски таниши Бахтиёр уни кўчага чорлаб қолди.

– Жон жўражон, – деди у ёлвориб. – Эллик минг сўм пулим бор, озгина наша топиб беролмайсанми, а?

Наша сўзини эшитган Анвар бирдан енгил тортди. Кўз олдида яқин биродари Мақсуд гавдаланди. Мақсуд мактаб ёнгинасида яшар, Анвардан беш-олти ёш каттароқ бўлса-да, наша қурғур уларни анча яқинлаштириб қўйган, гоҳо-гоҳо биргаликда тортиб туришарди.

– Кўрайлик-чи, – деди Анвар шуларни хаёлига келтираркан. – Эртага кириб ўтсак, бўлмасмикан?

– Майли.

... Келишувга биноан, Анвар Бахтиёрни Мақсудларникига бошлаб борди. Уйида экан. Йигитларнинг бекорга келмаганликларини дарров фаҳмлади.

– Ҳе, чироғим, – деди кулиб Анварнинг елкасидан қоқаркан, – айланибсанларда!..

– Ҳа-ҳа, ака, – жавоб қилди Анвар, – беҳудага айланмаслигимизни биласиз-ку!

Анвар шундай дея, Бахтиёрни Мақсудга таништирди ва мақсадни англатди.

– Тушундим, тушундим. Фақат бориб келиш керак, – деди Мақсуд ва йўлга чоғланди.

Занжирнинг кейинги халқаси томон йўналдилар. Бу халқа Давронбек эди.

– Бор, – деди у сира тап тортмай.

Масала пишди. 193,8 грамм вазндаги «марихуана» гиёҳвандлик моддаси 50 минг сўмга харид қилинди.

– Чекишга озгина ташлаб кетмайсизми? – гап қотди Мақсуд Бахтиёр томон юзланиб.

Бахтиёр бир чимдим банг қолдирди ва илиқ хайрлашди. Оғзи қулоғида бўлган йигитлар ширин қаҳ-қаҳалар оғушади Мақсудникига қайтдилар.

– Ол-чи, – деди ютоқиб Анвар, – бир мириқайлик.

Шу зайлда "мириқа" бошладилар. Аммо қаҳрамонларимизга "мириқиш" насиб этмади: Базм айни авжга чиққанида тегишли идора ходимлари кириб келди.

Мазкур жиноят нима учун рўй берди? Саволга жавоб излаш асносида "Бўлажак ишга эгаси сабабчи" деган нақл эсга тушади. Чиндан ҳам, Анвар ким? Эътибор беринг-а, у ўрта мактабда мусиқа илмидан ёшларга сабоқ беради. Демак, ҳам санъаткор, ҳам тарбиячи. Буниси майли. Лекин битта ҳаётий ҳақиқат бор: ўғил-қизларимизга илм-фан, ақл-идрок, маънавият асосларини ўргатувчи мўътабар шахс, аввало, ўзи тарбияланган бўлиши лозим. Қолаверса, ўқитувчилик, санъаткорлик дипломига эга бўлмай туриб, муаллимлик иши билан шуғулланиш давр талабига мутлақ зид саналади.

Мақсуд ва Давронбеклар хусусида ҳам шу каби фикрларни билдириш мумкин. Айтмоқ жоизки, ҳар иккалови ҳам тагли-тугли йигитлар ҳисобланишади, оилаларида уч нафардан фарзандлари бор. Аммо афсус, Мақсуд ҳам, Давронбек ҳам бирон жойда ишламайди. Халқ эса топиб айтиб қўйган: Бекорчидан худо безор. Ва яна бундай: Қийшиқ мўридан эгри тутун чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, қинғирлик йўли, кайф-сафо истаги Анвар Давлатбоев, Мақсуд Хўжаниёзов ва Давронбек Қурбонбоевга қаттиқ панд берди. Жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди ҳар учала айбдорни ўз жиноий хатти-ҳаракатлари учун маълум муддатларга озодликдан маҳрум этди.

...Аму соҳилидаги учта мўъжаз ҳовлида кўнгилхушликлар бир қадар тўхтаган. Анвар яшаётган катта хонадоннинг ички бўлмаси деворида эса рубоб осиғлиқ турибди. Энди узоқ вақт бу соз янграмайди. Чунки ҳаётдаги битта янглиш қадам туфайли унинг нозик торлари узилган...

Шукуржон РАЖАБОВА,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Charxi kajraftor

ҲУКМ ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ!

Кейинги йилларда дунё бўйлаб террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши кескин кураш эълон қилинди. Жиноят, айниқса, қотиллик жиноятига қарши энг оғир жазо усуллари қўлланилаётгани ҳам бор гап. Ҳатто дунёнинг энг демократик давлатларидан бири ҳисобланган Америка Қўшма Штатларида ҳам энг олий жазо — ўлим жазоси тез-тез қўлланилмоқда.

Ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса, 2002 йилнинг октябрь ойида Қўшма Штатларнинг Вашингтон шаҳри атрофида бир неча қотилликларни уюштирганликда айбланган Жон Аллен Муҳаммад устидан суд ишлари бошланган эди. Жон Аллен ўтган давр ичида ўзига қўйилаётган айбларни тан олмаган бўлса-да, Американинг Маннассас суди айбдорни жазолаш учун далиллар етарли деб топди ва уни олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилди.

Айбланувчининг адвокатлари судьядан маҳбуснинг ҳаётини сақлаб қолишни талаб қилганларида, кескин рад жавобини олишди. Фақат ҳукм муддати узайтирилиб, қатл куни 2004 йилнинг 14 октябрига белгиланди.

Жон Алленнинг яна бир жиноий шериги, жиноят пайтида вояга етмаган Бойд Мальво устидан ҳам Чизопик суди ўзининг сўнгги ҳукмини чиқарди. Ўтган чоршанба куни Бойд Мальво бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ҳар иккала ҳукм юзасидан айбланувчиларнинг адвокатлари берган апелляция шикоятлари инобатга олинмади.

Демак, ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ.

ОТ КИМНИКИ, МИНГАННИКИ...

Шундай мақолни эшитганмисиз? Ҳа, яшанг! Бу айнан ота-боболаримиздан қолган мақол. Янаям тўғрироғи ва тўлиқроғи — от кимники, минганники, тўн кимники, кийганники!

Буни қарангки, тиниб-тинчимаган американликлар ҳам ўзбекларнинг ушбу мақолидан фойдаланишаркан. Қандай қилиб, дейсизми? Марҳамат, эшитинг:

АҚШнинг Огайо штатида истиқомат қилувчи Ребекка Жемисон лотерея ўйинидан оз эмас, кўп эмас, нақд 162 миллион доллар ютиб олди. Лотерея ташкилотчилари ҳам чиптанинг ҳақиқий эканини тасдиқлашди. Ребекка ютуқ пулини олишга келганида эса кутилмаган кўнгилсизликка дуч келди...

Йўқ, сиз хато ўйладингиз. Уни лотерея ташкилотчилари чув туширишмади. Аксинча, Ребекканинг қўлида бўлган лотерея чиптасига бошқа даъвогар чиқиб қолди. Унинг гапига қараганда, лотерея чиптасини сотиб олган куни йўқотиб қўйган экан. Даъвогар ҳатто чипта сотиб олган манзилини ҳам аниқ айтди. Лекин демократик Америка судьялари унинг даъвосини рад этишди. Ютуқ лотерея қўлида бўлган Ребекка Жемисонга насиб этди.

Шуни айтишса керак-да, югурганники эмас, буюрганники, деб.

Носир РАЖАБОВ
тайёрлади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50